**“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти**
**ягона акциядорининг __30__ – сонли**

# ҚАРОРИ

2018 йил “_26_” __04__ Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 58-моддасида барча оддий акциялар битта акциядорға тегишли бўлган жамиятда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмаслиги ва мазкур Қонун ҳамда жамиятнинг устави билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан якка тартибда қабул қилиниши, ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилиши белгиланган.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг ягона акциядори Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази ҳисобланади.

**Кун тартиби:**

**1. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Кенгаш таркибини тасдиқлаш тўғрисида.**

**Кун тартибидаги масала бўйича,** “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқарув раисининг биринчи ўринбосари Ф.Ф.Сагдуллаевнинг ахбороти тингланди.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Кенгаши аъзоси Юлдашев Абдусалом Абдукаххорович бошқа ишга ўтганлиги боис Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари лавозимига Мусаев Бехзод Анварович тайнланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 июлдаги ПҚ-424-сонли “Давлат активларига эга айрим йирик акциядорлик компаниялари кенгашларининг таркибларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ жамият Кенгаш аъзоси бошқа ишга ўтказилганда, унинг ўрнига ушбу лавозимга тайинланган шахс Кенгашнинг таркибига киритилиши белгиланган.

Кун таркибидаги масала бўйича “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ягона акциядори **қарор қабул қилади**:

1. Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Мусаев Бехзод Анварович “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Кенгаш аъзоси таркибига киритилсин ҳамда Кенгаш таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ**
**ягона акциядори** **Б.Х. Хайдаров**

“Ўзбекистон темир йўллари”АЖ
ягона акциядорининг қарорига илова

## “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Кенгаш аъзолари таркиби

| | |
|---|---|
| Арипов Абдулла Нигматович | Ўзбекистон Республикаси Бош вазири; |
| Раматов Ачилбой Жуманиязович | Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари; |
| Асамов Дилшод Дамирович | Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазири ўринбосари; |
| Аминов Рустам Анварович | Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари; |
| Истамов Махмуд Шухратович | Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири ўринбосари; |
| Мусаев Бехзод Анварович | Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари; |
| Каримов Анвар Расулович | Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари; |
| Ахмедов Дониёр Бахтиёрович | “Ўздавтемирйўлназорат” инспексияси бошлиғи. |